

Xabar

23
(820)-son

6-iyun

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2008


O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqq boshlagan



Халқаро электралоқа иттифоқининг Женевадаги штаб-квартираси тарқатган расмий маълумотга кўра, сайёрамизда мобил телефондан фойдаланувчилар сони 3,3 миллиард (2007 йил якунига кўра)дан ошган. Дунё аҳолисини мобил алоқа билан қоплаш даражаси 49 фоизга етган.

Мутахассислар сўнгги икки йилда мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони Африка қитъасида энг кўп ўсганлигини қайд этишган. Мобил абонентларининг учдан икки қисмини ривожланаётган мамлакатлар фуқаролари ташкил этади.

2005-2007 йиллар мобайнида мобил телефондан фойдаланувчилар сонининг ўртача ўсиш кўрсаткичи йилига Африкада 39, Осиёда эса 28 фоизни ташкил этди. ХЭАИ маърузасида келтирилишича, ўртача йиллик ўсиш сайёрамиз миқёсида 22 фоиздан иборат.



Ушбу сонда

Қишлоқ телекоммуникация тармоғини ривожлантириш йўлида

2-бет

Одамлар бекорга алқамайдилар

5-бет

Жалоба – сигнал к действию

6-бет

Интернетпарастлик – руҳий хасталикми?

11-бет

Мобил SMS-банкнинг

13-бет

Қўшиқ сеҳри

16-бет

Миллий амалиёт тизимини яратиш омиллари

Ахборот алмашинуви миллий иқтисодийнинг барча соҳалари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Унинг самарадорлиги соҳа самарадорлигини акс эттиради. Шунинг учун ҳам ахборот технологияларининг ўрни бизнес, саноат ва бошқа соҳалар учун беқийсдир ва давлат томонидан стратегик йўналиш сифатида қаралади. Уларни юқори даражада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун миллий дастурий маҳсулотлар бозори ҳам юқори даражада ривожланган бўлиши зарур. Дастурий маҳсулотлар бозорининг асосини амалиёт тизими (АТ) ташкил қилади. Унинг кўриниши ва сифатлари АТ асосида ишловчи барча дастурлар ва мосламаларнинг ишини белгилаб беради.

4-бет



O'ZBEKISTON - ROSSIYA QK
SUG'URTA - KOMPANIYASI


*Кенг қамровли
сугурта хизматлари*

tel: (+998 71) 173-80-05, факс: (+998 71) 173-80-06



UzNet
Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернетни

JUMADAN —
JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2 июн куни Оксаройда АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё жанмакатлари бўйича ёрдамчиси Ричард Баучерни қабул қилди.**

Суҳбат чоғида Ўзбекистон АҚШ муносабатларига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

✓ **Матбуотда “Ф.Ш.Ақбаровани Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.**

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 4 июн куни Оксаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Финляндия ташқи ишлар вазири Александер Стуббни ҳамда Франция Медиатори Жан-Пол Делевуани қабул қилди.**

✓ **Пойтахтимизда 29 май куни Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амириклари ишбилармонлар доираларининг бизнес-форуми ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Бирлашган Араб Амириклари Ташқи савдо вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди.

✓ **Тошкентда 29-30 май кунлари “Сийёсий ва иқтисодий модернизация шароитида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтакалараро тадқиқотлар институти томонидан Европа халқаро муносабатлар институти (Белгия), Европада истиқбол ва хавфсизлик институти (Франция), Сийёсий тадқиқотлар маркази (Ўзбекистон) ва Фридрих Эберт номидаги жағгарманинг (Германия) Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 3 июн куни “Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман ҳамда унинг минтақавий вакиллари фаолияти: Франция ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида халқаро конференция ўтказилди.**

Конференцияда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар, Омбудсман фаолияти, унинг ички ишлар идоралари, прокуратура ва суд-ҳуқуқ органлари билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлигига оид маърузалар тингланди.

Анжуман якунида Ўзбекистон билан Франция омбудсманларининг ҳамкорлигига оид битим имзоланди.

✓ **Пойтахтимизда умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси якунланди.**

Олимпиаданинг якуний босқичида умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри ўқувчилари биринчи ўринни эгаллади. Бухоро вилояти жамоаси иккинчи ўринга, Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси эса учинчи ўринга лойиқ топилди.

HAY'AT YIG'ILISHIDA

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги хайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров бошқарди.



АТСларнинг аксарияти аналог турда бўлиб, эскирганлиги, сифати шаҳар телефон станцияларига қараганда анча пастлиги, айрим АТСлар АОН ускунаси билан таъминланмаганлиги (22 фоизи) ҳамда қишлоқ жойларда электр таъминотидаги

жойига бориб техник томондан батафсил ўрганиб чиқди ва қурилмани “Ўзбектелеком” АҚ маҳаллий тармоғида ишлатиш мақсадга мувофиқлигини тавсия этди. Бунга асосан Агентлик раҳбариятининг тегишли йўриқномалари берилди ва 2006 йил июн ойида “Ўзбектелеком” АҚ филиаллари билан умумий сизими 7152 портли 42та “Коинот Эл-СГМ” русумли рақамли коммутация қурилмаларини ишлаб чиқариш бўйича шартномалар тузилди.

2008 йил учун эса умумий сизими 42176 портли 219та “Коинот Эл-СГМ” русумли рақамли коммутация қурилма-

Қишлоқ телекоммуникация тармоғини ривожлантириш йўлида

Хайъатда “Қишлоқ телекоммуникация тармоғини ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси ва инфратузилма объектларини сифатли телефон алоқаси билан таъминлашда СГМ қурилмасидан ва симсиз алоқа технологияларидан фойдаланиш тўғрисида”ги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан “Ўзбектелеком” АҚ бош директорининг биринчи ўринбосари Ж.Махсудов ва “Коинот”



ОАЖ бош директори С.Фахрудиновлар ахборот беришди. “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси томонидан республика телекоммуникация тизимининг реконструкцияси, инфратузилма объектларини ва қишлоқ аҳоли масканларини телефонлаштириш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Компания телекоммуникация тармоғида жами умумий монтаж сизими 358.964 рақам бўлган 1556та қишлоқ телефон станцияси мавжуд бўлиб, 90744таси ёки 25 фоизи рақамлидир. Шунингдек, 11922 қишлоқ аҳоли масканининг 73 фоизи симли алоқа тармоғи билан қамраб олинган.

Компания бўйича 2008 йил 1 чорак мобайнида қишлоқ телефон тармоғида асосий телефон аппаратлари сони 1352тага ўсди ва 267098тани ташкил этиб, шундан 89 фоизи аҳоли хонадонларига ўрнатилган.

Бугунги кунга келиб мавжуд 11та болалар уйи, 14та болалар боғчаси, 42та меҳрибонлик уйи ва 117та академик лицейларининг барчаси телефон алоқаси билан таъминланган бўлса, мавжуд 911та касалхонанинг 96,5 фоизи, 1121та шифохонанинг 96,5 фоизи, 1071та коллежнинг 98,1 фоизи ва 34та санаторийнинг 91,2 фоизи телефон алоқаси билан таъминланган. Шу билан бирга, қишлоқ телекоммуникация тармоғининг хизмат кўрсатиш сифати ҳали талаб даражасида эмас. Бунинг асосий сабаблари қишлоқларда ишлаб турган

узилиш ва чекловларнинг (2007 йил мобайнида тўхташлар давомийлиги 1.125.166 соатни ташкил этган) натижаси деб таъкидлаш мумкин.

Қишлоқ телекоммуникация тармоғини ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси ва инфратузилма объектларини сифатли телефон алоқаси билан таъминлаш мақсадида “Ўзбектелеком” АҚ томонидан CDMA-450 симсиз алоқа технологияси асосидаги тармоқ кенгайтирилмоқда.

“Ўзбектелеком” АҚ томонидан “Коинот” ОАЖда ишлаб чиқарилаётган кичик сизимли коммутация қурилмаларини босқичма-босқич қишлоқ жойларига татиқ этиш режалаштирилган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 сентябрдаги 3135-сонли фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 сентябрдаги 336-сонли қарорига асосан “Коинот” ОАЖнинг асосий вазифаси этиб ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш белгиланган эди. Бу борада 2003 йилдан буён бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Ўндан ортиқ турдаги замонавий телекоммуникация ускуналари яратилди, ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва улар республикамиз алоқа корхоналари тармоқларида ишлатилмоқда.

Республикадаги қишлоқ инфратузилмаларини ва аҳолисини телефон хизматиға бўлган талабини қондириш мақсадида “Коинот” ОАЖда 2005 йили замонавий ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган коммутация қурилмаларини яратиш устида иш бошлаб юборилди. 2006 йилнинг бошида Тошкент вилояти Янгийўл туманининг Озод қишлоғида сизими 64 рақамли коммутация қурилмаси ўрнатилиб, синов ишлари ўтказилди. Ишлаш жараёнида қурилманинг камчиликлари аниқланиб, бартараф этилди.

Масъул мутахассислар иштирокида тузилган ишчи гуруҳ 2006 йилнинг 27 мартда тажриба тариқасида ўрнатилган ана шу СГМ қурилмасини

ларини келтириш бўйича “Коинот” ОАЖ билан компания ўртасида умумий қиймати 3,092,15



млн. сўмға тенг шартномалар имзоланган. Хозирги кунда “Коинот Эл-СГМ” рақамли коммутация қурилмалари компаниянинг барча филиалларида ишлаб турибди. Натижада қишлоқ ҳудудида яшаётган аҳолиға кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифати ва ҳажми ошди.

Компания таркибидаги филиаллар бўйича “Коинот Эл-СГМ” қурилмалари ўрнатилган жойларда кўрсатилган телефон хизматларидан олинган даромад ўртача икки ярим баробарга ортди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 январдаги “Ўзбектелеком” АҚ телекоммуникация тармоғини келгусида ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Хитой Тараққиёт Банки ва “HUAWEI TECHNOLOGIES CO.LTD” (ХХР) билан биргаликда “Ўзбектелеком” АҚ телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва қайта қуриш” лойиҳасининг 1-ЛОТ доирасида “Ўзбектелеком Мобайл” филиалининг CDMA-450 симсиз тармоғини кенгайтириш” бўйича белгиланган ишлар якунланди.

Жумладан, Самарқанд, Навоий, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Наманган ва Фаргона вилоятларида 70та база станцияси ишга туширилди. Наманган ва Тошкент вилоятларида сизимлари 10000 рақамга тенг коммутация станциялари ўрнатилди ҳамда Самарқанддаги коммутация станция сизими 20000 рақамга кенгайтирилди.

Натижада 166 аҳоли масканига симсиз замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатиш имконияти яратилди.

Хайъатда қўрилган масала юзасидан қарор қабул қилиниб, мутасаддиларға тегишли топшириқлар берилди.

Натижа ва таҳлиллар

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг мажлислар залида Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти Раёсати йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев олиб борди.

Йиғилишда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори М.Маҳмудов 23-25 апрел кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Электрон ҳужжат алмашинуви инфратузилмаси ва хизматлари ривожланиши» халқаро конференцияси ва 2 май кuni Бухоро шаҳрида ўтказилган «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида маркетингни ривожлантириш ҳолати ва тенденциялар» республика семинари натижалари тўғрисида ахборот берди.

Тошкент ахборот технологиялари университети ректори С.Қосимов 4-5 март кунлари Тошкент шаҳрида ташкил этилган докторант, аспирант ва иқтидорли талабаларнинг «Ахборот-коммуникация технологиялари» республика илмий-техника анжумани натижаларининг танқидий-таҳлилий ахборотини берди. Жумладан, баъзи кафедра-ларда бу долзарб масалага эътиборсизлик билан қаралгани таъкидлаб ўтилди. Муҳокама вақтида

бу сингари анжуманларни ташкил этишда соҳа ва илмий марказ вакиллари кенг жалб этиш мақсадага мувофиқ деб топилди. Бу борада Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори, «ТошТТС» филиали директори, «Ўзбектелеком» АК бош директорининг биринчи ўринбосари, Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази бош директорининг аспирант, магистрант ва талабаларнинг илмий ишларига бевосита ёрдам ва раҳбарлик қилишларини айтиб ўтишди.

Берилган ҳисоботлар бўйича мажлис қатнашчилари бир неча савол ва тақлифлар билан чиқиди, жумладан, ҳар бир ўтказилаётган илмий анжуман натижаларини авваламбор ишлаб чиқариш соҳасига кенг жорий этиш, истиқболли илмий режаларни белгилаш, илмий педагогик кадрларни тайёрлаш ва алоқа ва ахборотлаштириш соҳаларида ёш мутахассислар тай-

ёрлаш сифатини ошириш, ўқув жараёнларини такомиллаштириш, ўқув услубий қўлланмаларни яратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Илмий анжуман ва семинарларнинг самарадорлигини ошириш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кенг татбиқ этиш ишлари бўйича ҳам муҳокамалар олиб берилди.

Йиғилишда яна бир долзарб масала кўрилди. Республикамининг иқтисодий, ишлаб чиқариш, фан ва таълим соҳаларида компютерлаштириш ва компютер технологияларини жорий этиш аҳволи, шу соҳада мониторинг тизимини яратиш, барча соҳаларда амалиётга татбиқ этиш масаласи бўйича «Ўзинфоком» маркази директорининг биринчи ўринбосари И.Жўраев ҳамда Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази бош директори А.Миразизовлар маъруза ва тавсиялар билан чиқиди.

Мажлисда мониторинг тизимини яратиш бўйича қарор қабул қилинди.

Хайрулло МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон радиотехника,
электротехника ва алоқа
илмий-техника жамиятининг
илмий котиби

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРҒИБОТИ

Тошкент ахборот технологиялари университетида «Ёшлар йили давлат дастури»нинг бажарилиши юзасидан бир қанча маънавий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида барча факультет талабалари ўртасида 20-28 май кунлари «Тиёҳвандликка қарши кураш ва соғлом турмуш тарзи тарғиботи» мавзусида фестивал ўтказилди. 30 май кuni ушбу фестивалнинг якуний босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танлов натижаларига кўра «Энг яхши деворий газета» номинацияси бўйича иқтисод ва бошқарув факультети 1-ўринни, «Энг яхши чизилган расм» номинацияси бўйича РРТ факультети 1-ўринни, ИБ факультети 2-ўринни, ТТФ факультети 3-ўринни эгаллади.

«Энг яхши ёзилган иншо» номинацияси бўйича 1-ўрин РРТ факультети 321-07 ТРУ гуруҳи талабаси Алломахон Жалилова, 2-ўрин ИБ факультети 110-07 гуруҳи талабаси Акмалжон Бахронов, 3-ўрин ҳам ушбу факультет 120-07 гуруҳи талабаси Юлдузхон Исмагуллаевага насиб этди.

Голиблар фахрий ёриқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Дилноза
НУРМУҲАМЕДОВА,
ТАТУ маънавий-ахлоқий
тарбия бўлими услубчиси

Дам олиш мароқли ўтади

Қорақалпоғистон алоқачилари болаларнинг ёзги дам олишлари учун яхши ишларни амалга оширмоқда. Тошкент вилоятидаги Нилуфар ёзги дам олиш масканига 7 июн кuni 60 нафар бола поездда жўнатилади.

Республика ҳудудидаги «Орол болалари», «Лочин», «Айдин жол» каби дам олиш масканларида эса 200 нафар бола мириқиб дам олишади.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ



TANLOV

Мақола ёз — ноутбук эгаси бўл!

Тошкент ахборот технологиялари университети мажлислар залида ушбу танлов голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмағида «InfoCOM.UZ» журнали «Мақола ёз — ноутбук эгаси бўл!» танлови ўтказилишини эълон қилганди. Танловга жами 95 муаллифдан 200дан ортқ мақола келиб тушди. Улардан 87 мақола иккинчи турга ўтди ва www.uforum.uz форумида овоз беришда иштирок этди.

Танлов мақоаларини баҳолаш ва голибларни аниқлашда сўнгги ҳулосаларни қабул қилиш «InfoCOM.UZ» журналы таҳририяти ходимлари ва соҳа мутахассислари томонидан амалга оширилди.

Танлов натижаларига асосан куйидагилар голиб деб топилди:

«2008 йил IT-журналистика соҳасида Миллий мукофот» танловида «Ахборот технологиялари соҳасида энг яхши мақола учун» номинацияси бўйича:

1-ўрин. Елена Калинина «СМИ — реальные, виртуальные...» мақоласи учун. Голибга танловнинг бош мукофоти — ASUS X50N ноутбуки берилди.

2-ўрин. Хусан Тангриев «Мак-

таб сайти қандай бўлиши керак?» мақоласи учун. Унга шахсий компютер тақдим этилди.

3-ўрин. Самандар Атоев «Аукцион для домена UZ» мақоласи учун. Муаллиф 150 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Танловда «2008 йил ўқувчи ва талабалар ўртасида ахборот технологиялари тўғрисидаги энг яхши мақола» номинацияси бўйича:

1-ўрин. Элвир Сулейманова, ТАТУ 2-босқич магистранти. «Мобильная современность в Узбеки-

стане и за его пределами» мақоласи учун. Унга танловнинг бош мукофоти — ASUS X50N ноутбуки тақдим этилди.

2-ўрин. Тимур Расулов, Москва давлат иқтисодий, статистика ва информатика университети талабаси, «Легализация ПО домашнего компьютера» мақоласи учун. Шахсий компютер билан тақдирланди.

3-ўрин. Василя Каримова, ТАТУ 3-босқич талабаси. «Электрон рақамли имзонинг е-бизнесдаги аҳамияти, Ўзбекистонда жорий этилиши, истиқболлари ва ҳуқуқий асослари». Унга 150 минг сўм пул мукофоти берилди.

PS. IT-журналистика соҳасида биринчи бор ўтказилган ушбу танлов қутилмаган ҳолатларга бой бўлди. Биринчидан, журналистлар ва мутахассислар томонидан танловга катта қизиқиш билдирилди. Ҳатто, баъзилар танлов баҳона илк бор қўлига қалам олиб, мақола ёзишга жиддий киришди. Ёзилган мақоалар форумда қизгин муҳокама қилинди. Буларнинг натижаси ўлароқ, ахборот технологияларига бағишланган бир-бирдан фарқ қилувчи, соҳанинг турли йўналишларига бағишланган, ўзига хос услубдаги ўнлаб мақоалар юзага келди. Бу, албатта, танловнинг энг катта ютуғи бўлди.

Иккинчидан, танловга материаллар келиб тушиши билан ташкилотчиларнинг олдида жиддий муаммо юзага келди. Бу — плагиат муаммоси. Юборилган бир қанча мақоаларнинг шундоққина интернетдан кўчириб олингани ёки таржима қилингани аниқлана бошланди. Бундай мақоалар танловдан четлаштирилди. Кейин www.uforum.uz да ҳам бир неча «иш»лар кўчирма эканлиги аниқланди. Афсуски, муҳокамалар давомида баъзи плагиат мақоаларнинг «сир»лиги қилиб кетгани танловга яқун ясалганидан сўнг маълум бўлди. Ҳатто, голибликни қўлга киритган айрим мақоалар ҳам бундан мустасно эмаслиги кўпчиликни ҳайратга солди ва форумда қизгин муҳокамалар юзага келишига сабаб бўлди...

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Миллий иқтисодиётда чет эл амалиёт тизимлари учун мўлжалланган дастурий махсулотлардан фойдаланиш миллий ахборот етказувчи, қабул қилувчи ва ишловчи тизимларнинг хориз АТ компанияларига ахборот қарамлигига олиб келади. Бир томондан проприетар, яъни ҳуқуқий жиҳатдан хусусий ташкилотларга тегишли бўлган амалиёт тизимлари шубҳали кўринади, чунки уларнинг дастлабки коди ва буйруқлар тизими ўзга дастурий махсулот ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчилар учун номаълум. Бу-

фарқли негизини яратиш миллий ахборот хавфсизлиги ҳамда хусусий масалаларни ечиш учун амалий дастурий таъминот мажмуини яратиш заруриятдан келиб чиқиши мумкин.

Тўртинчидан, мавжуд эркин ва очик кодли амалиёт тизимлари асосида хусусий амалиёт тизимини яратиш.

Келтирилган масалалар республикамизда сўнгги йилларда кенг муҳокама этилди. Бинобарин, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази томонидан 2007 йилда "Эркин лицензияли ва очик кодли дасту-

ланади. Бундай АТни жиддий ўзгартиришларсиз турли мақсадларда (офис компютеридан то сервер вазибаларига) ишлатса бўлади.

7. UNIX архитектурали АТлар юқори стандартлаштирилиш даражасига эгадир, улар турли ишлаб чиқарувчилар томонидан қўлланади. Ушбу АТларнинг негизи очик бўлгани сабабли уларнинг ривожланиши кўпчилик дастурий ишлаб чиқарувчиларнинг ўрганиши, фойдаланиши ва янгиланиши асосида амалга ошган. Бу эса АТни кейинги ривожлантиришни жаҳон даражасида олиб бориш имконини беради.

Миллий амалиёт тизимини яратиш омиллари



лар амалиёт тизимини ишлаб чиқарувчи компаниянинг хусусий билимидир. Эркин ва очик кодли дастурий таъминот асосида яратилувчи амалиёт тизимлари эса уларнинг акси бўлиб, буларга Unix АТ архитектураси асосида яратилган Linux, FreeBSD, Solaris ва бошқалар кирради. Уларнинг негизи ва буйруқлар тизими очик бўлиб, бу учун дастурий таъминотни АТ ишлаб чиқарувчиларнинг қарашлари, унинг нўқсонлари ва айна дастур учун керакисиз бўлган қисмларидан қатъи назар ишлаб чиқариш имкониятини беради. Бунда АТ шунчаки қобик эмас, балки компютер ва тармоқ билан ишлаш учун мукамал воситага айланади. Лекин, маълум бир мамлакатда фойдаланиш учун бу умумий фарқлар етарли эмас. Бунда бир қанча хусусий омиллар инобатга олиниши зарур. Аввало, бу миллий аҳамиятга эга ахборот тизимларининг (давлат назар ишлаб чиқариш органлар) хавфсизлик талабларидан келиб чиқади. Миллий амалиёт тизимини тўлақонли бошқариш, вирус ҳамда интернет ҳужумларини самарали бартараф этиш учун унинг негизи ҳақидаги маълумотга тўлиқ эга бўлиш зарур. АТ негизининг дастлабки кодига эга бўлмасдан туриб фаол ахборот таъсирини ўтказиш муаммолари бўлади.

Бундан ташқари, АТнинг негизи ёпиқ бўлган ҳолда барча ишлаб чиқарилаётган дастурий таъминот мавжуд бўлган АТнинг имкониятлари билан чегараланиб қолади, уни ривожлантириш эса унинг дастлабки коднинг эгасига боғлиқ. Бундай ҳолда миллий дастурий таъминотни ривожлантириш даражаси АТ эгасининг ихтиёрига қарам бўлиб қолиши билан бирга, у ишлаб чиқараётган дастурий таъминотдан миллий ишлаб чиқарувчилар доимо ортада қолади.

Миллий амалиёт тизимининг энг асосий тавсифларидан бири унинг маҳаллийлаштирилганлигидир. Миллий АКТ соҳасини ривожлантиришнинг пойдевори бўлиши учун миллий амалиёт тизимида давлат тили ва айнан миллий АТ соҳаси учун бириктирилган имкониятлар ақд этирилиши зарур. Бу борада қуйидаги имкониятларни танлаш мумкин.

Биринчидан, мавжуд проприетар ечимлардан фойдаланиш – дастлабки кодга қўшимчалар киритиш учун тегишли лицензияга эга бўлиш (уни маҳаллийлаштириш, миллий ишлаб чиқарувчилар учун тегишли рухсат бериш ва ҳоказо) зарур.

Иккинчидан, мавжуд эркин ва очик кодли амалиёт тизимларидан фойдаланиш. Бунда уларни ўрганиш ва маҳаллийлаштиришга айтирлик тўсиқ йўқ. Бу фақатгина унга сарф қилинадиган куч ва маблағга боғлиқ.

Учинчидан, миллий интеллектуал ва технологик потенциалдан фойдаланиб, амалиёт тизимининг негизини янгидан яратишдир. Мавжуд АТ негизларидан

рий таъминотларни маҳаллийлаштириш" лойиҳаси уюштирилди. Бунда миллий амалиёт тизимини яратишда келтирилган услублардан охириги танланди, яъни мавжуд UNIX архитектурали эркин ва очик кодли АТлар негизини маҳаллий бозор ва давлат талабларига мослаштиришга киришилди.

Бу услубни танлашда бир қатор омиллар инобатга олинди. Хусусан:

1. UNIX архитектурали АТлар очик, яъни уларнинг негизи (буйруқлар тизими) тўлақонли очик ва шарҳлангандир. Бу нарса АТнинг фаолиятини аниқ башорат қилиш ва самарали бошқариш имконини беради. Шунингдек, унинг очкилиги у асосида тўла ҳимояланган ахборот тизимларини ташкил этиш (ахборотга рухсатларни назорат қилиш, тасдиқланмаган ўзгартиришларни чеклаш, вирусларга бардош бериш ва ҳоказо) имконини беради.

2. UNIX архитектурали АТлар 1971 йилдан буён ривожланиб келмоқда. 37 йил давомида бу тизимлар бўйича улкан билимлар мажмуи йиғилган ва кўп сонли шакллари мавжуд. Бу турдаги АТлар кенг назарий ва амалий асосга эгадир. UNIX архитектурали АТлар чет эл илмий изланиш масканларида, давлат ва ҳарбий идораларда кенг қўлланади.

3. UNIX архитектурали АТлар ўта мустаҳкам тузилишга эгадир, улар йиллаб қайта юклашсиз ишлаб туриши мумкин. Шунингдек, улар тармоқда жуда барқарор ишлайди, ҳозирда интернетда ишлатилаётган протоколлар айнан шу тизимларда яратилган.

4. UNIX архитектурали АТлар жорий вақт тизимларини яратиш имконини беради, бунда тизимга келаётган буйруқлар навбат бўйича эмас, балки кириш пайтининг ўзиде ишланади. Ҳозирги даврда кўпчилик АТлар кўп вазифалиликка даъвогарлик қилишади. Лекин амалий дастурларни ишлаб чиқарувчилар амалиёт тизимининг негизини билмасдан асл жорий вақт тизимларини ярата олмайдилар.

5. Драйвер – бу компютер мосламаларини бошқарувчи дастурдир. Амалиёт тизимининг негизи ёпиқ бўлган ҳолда драйвер АТнинг фақатгина умумий бўлган буйруқларини етказиб бера олади. Драйвернинг воситачилигини минималлаштириш учун, яъни АТнинг буйруқларини бевосита, янгиланмасиз мосламага етказиб бериш учун, унинг тузилишини аниқ билиш керак. Одатий мосламалар учун драйверлар кенг тарқалган. Лекин махсус вазибалар (саноат, илмий, бошқарув, ҳарбий) учун драйверларни ишлаб чиқариш масаласи муаммолари ҳисобланади.

6. UNIX архитектурали АТлар турли платформа жиҳатдан мобиллик талабига жавоб беради. Яъни, улар турли даражага эга бўлган платформаларда (32, 64 битли) ишлай олади. Ундан ташқари, ушбу тизимлар компютернинг техник имкониятларидан жуда самарали фойда-

8. UNIX архитектурали АТлар эркин ва очик кодли дастурий махсулотларнинг лицензияси асосида тарқатилади. Уларнинг нусха кўчириш, қайта ўрнатиш, таҳрирлаш имкониятлари ҳуқуқий жиҳатдан чекланмаган.

"Эркин лицензияли ва очик кодли дастурий таъминотларни маҳаллийлаштириш" лойиҳаси биринчи босқичнинг мақсади – маҳаллийлаштирилган амалиёт тизимининг дистрибутивни яратишдир. Яъни, лойиҳага фақатгина амалиёт тизими эмас, балки амалий дастурлар мажмуи ҳам киритилади. Бу мақсад учун Linux амалиёт тизимининг негиз таллаб олинди ҳамда Linux лабораторияси ташкил этилди. Лойиҳанинг дастлабки вазифаси деб мавжуд дистрибутивларни ўрганиш ва миллий дистрибутивни яратиш мезонларини аниқлаш белгиланди. Ушбу мезонлар асосида маҳаллийлаштирилган дистрибутивни ишлаб чиқиш учун техник топшириқ тайёрланди. Шунингдек, дистрибутив бўйича ўзбек тилида тилмик ҳужжатлар ва маълумотномаларни тайёрлаш киритилган.

Маҳаллийлаштирилган дистрибутивни жорий этиш бир неча босқич асосида амалга оширилади. Биринчи босқичда жорий этиш жараёнини ўрта таълим мактабларида йўлга қўйиш режалаштирилган. Амалиёт тизими барча ахборот технологияларининг асосий унсурларидан бўлганлиги сабабли, уни барча соҳаларга жорий этишни айнан ўрта таълим тизимидан бошлаш белгиланган. Бунинг учун дастлаб маҳаллийлаштирилган дистрибутив ўқишда фойдаланиладиган дастурлар мажмуи билан таъминланади. Лойиҳанинг кейинги ривожини илмий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда қўллашга асосланади. Шунингдек, ушбу лойиҳа миллий амалиёт тизимининг давлат тизимида кенг қўлланилишига асос солади.

Буларнинг натижасида миллий дастурий махсулотларни ишлаб чиқарувчилар орасида илмий ва техник янгиланиш ишларининг авж олиши, миллий ахборот технологиялари соҳасига кирувчи инвестицияларнинг кўпайиши, аҳолининг технологик ва илмий соҳалардаги бандлигининг ошишига, юқори малакали мутахассисларнинг чет элга чиқиб кетишини бартараф этиш, ташкилотларнинг автоматлаштиришга бўлган сарф-ҳаражатларини камайтиришга олиб келади. Миллий ахборот технологиялари бозорининг алоҳида саноат даражасида ривожланиши унинг дунё миқёсидаги ахборот технологиялари бозорига чиқишига асос бўлади. Бу соҳада дунё даражасига чиқиш ахборот технологиялари асрида яшаётган мамлакатимиз учун ҳам энг долзарб масалалардандир.

Муниса АБДУЖАББОРОВА,
Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ходими

АТАМАШУНОСЛИК БЎЙИЧА СЕМИНАР

Бугунги кунда ўзбек тилида дарслик ва қўлланмалар ҳамда фан соҳаларига оид ата-маларнинг изоҳли лўғатларини яратиш масаласи долзарб бўлиб бормоқда.

Бу масалага Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги қонунда катта эътибор берилган. Шу сабабли ўзбек тилида атамаларнинг изоҳли лўғатларини яратиш давр талаби даражасига чўқарилиди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 мартдаги 146-Фсонли фармойишига мувофиқ 2008 йилда ўтказиладиган илмий семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар режаси тасдиқланган. Ушбу режага асосан жорий йилнинг 18 июнида Тошкент шаҳрида «Атамашунослик – касбий тафаккурни шакллантиришда, фан ва таълимни ривожлантиришда» мавзuida республика семинарини ўтказиш мўлжалланмоқда.

Семинарда Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги акциядорлик компаниялари, корхона, ташкилот ва муассасалар, шунингдек қатор вазирликлар, идоралар, ташкилот ва муассасалар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Тошкент Давлат техника университети, Ўзбекистон Миллий университет вакиллари иштирок этиши, турли соҳаларда, хусусан, телекоммуникациялар соҳасидаги атамашуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланган маърузалар билан чиқиши кўтилмоқда.

Семинар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамда Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти томонидан ташкиллаштирилмоқда.

Ёқутхон АҲМЕДОВА,
ФТММ атамашунослик ва лўғатлар хизмати бошлиғи

NISHONDORLARIMIZ

Раҳбарликнинг ҳам ўзига яраша ҳадиси бўлади. Унинг юкани ҳамма кўтаравермайди – тўртта одамнинг бошини қовуштиришнинг масъулияти катта. Кўл остидаги ходимлар қувончу қайғусига шерик бўла оладиган, зарур иш талаб қиладиган, дунёқарашни кенг, эртанги кун ҳисоб-китобини қила оладиган инсонгина том маънодаги бугунги кун раҳбари бўлиши мумкин. Шукри, бундай раҳбарлар орамизда кўп. Шулардан бири “Тошкент Телеком” филиалининг Янгийўл телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Жумабой БЎТАЕВДир.

Одамлар бекорга алқамайдилар

(Очерк)

ҳам касбий, ҳам ҳаётий мактаб бўлди. У бу ерда радио алоқа муҳандиси вазифасида иш бошлади, янгиликларни амалиётга олиб кирди.

Шаҳар радиоалоқа боғламаси бошлиғи, Андижон шаҳар телефон станцияси участка бошлиғи вазифаларида ишлади. Раҳбарият Жумабойдаги ишчанликни, топширилган вазифани муддатида юқори сифат билан бажаришга мойилликни, қатъиятликни англагач, уни 1980 йилда Андижон шаҳар телефон станцияси бошлиғи лавозимига тайинлади. 1982 йилгача ушбу вазифани сийдиқидилдан бажарди ва оилавий сабаб билан туғилиб-ўсган маскани – Янгийўлга қайтди.



Ота-она бағрида бахти бутун.

Тошкент вилоятининг йирик туманларидан бўлган Янгийўл алоқа тизимида ечимини кутиб ётган муаммолар йиғилиб қолган бўлиб, Жумабой акадек раҳбарга эҳтиёж катта эди. Шу боис раҳбарият ҳеч иккиланмасдан уни Гулбахор электр алоқа тармоғи бошлиғи вазифасига тайинлади. Унинг саъй-ҳаракати билан бу ердаги ишлар кўнгилдагидек бажарилиб, алоқа хизмати яхши йўлга қўйилди. 1988 йилда шаҳар ва туман электр алоқа тармоқлари бирлаштирилиб, Ж.Бўтаев 1990 йилгача Янгийўл электр алоқа тармоғи бошлиғи вазифасида ишлади. Сал вақт ўтмай алоқа тармоқлари яна алоҳида бўлди ва қаҳрамонимиз 1996 йилгача Гулбахор электр алоқа тармоғини, 1999 йилгача эса Янгийўл шаҳар электр алоқа тармоғини бошқарди. 1999 йилда шаҳар ва туман электр алоқа тармоқлари яна бирлаштирилганидан сўнг Жумабой ака ҳозирга қадар Янгийўл телекоммуникациялар боғламаси раҳбари вазифасини бажариб келмоқда.

Оддий меҳнатқаш оиладан чиққан бу одамнинг ажойиб инсон, жонкуяр раҳбар сифатида эл озига тушиши замирида фақат меҳнат қилишдан қочмаганлик, янгиликка интилиб яшаганлик ётибди, холос. Унинг раҳбарлик салоҳияти Янгийўл шахри

ва туманида эскириб қолган телефон станцияларини Жанубий Корея ва Хитойнинг замонавий станцияларига алмаштириш даврида яққол кўзга ташланди. 2004 йилда абонентларни Япониянинг JBC лойиҳаси бўйича Транс-Осиё-Европа магистрал кабелига улаш учун янги телефон қувурлари ётқизилди. Шу йили 5 ва 53-АТСлар, 2005 йилда эса 35-АТС ва Ниёзбош АТСи “Хуавей” компаниясининг рақамли станцияларига алмаштилди. Сўнг бирин-кетин Озод қишлоғида, Анорқулов даҳасида, Халқабод ва Янгиҳаётда замонавий станциялар ишга туширилди. Албатта, бир-бирга уланган ушбу рақамлар ортида қанчалик заҳматли туну кунлар, беҳаловат дамлар ётгани сир эмас.

– Жумабой Бўтаев билан шундоқ бақамти ишлаб юраверибмизу, аммо унинг бугунги кунда ҳамшаҳарларининг севимли кишига айланиб қолганлигини сезмабмиз ҳам, – дейди фалсафа фанлари номзоди Солижон ака Бойматов. – Янгийўлликлар телефондан гап очилса борми, албатта, Жумабой акани бир дуо қилиб олишади. Одамлар билмай гапирмайди. Эл алқа тилга оляптими, демак, яхши амаллар билан улар қалбидан жой олган.

Ҳақ гап. Ж.Бўтаев қаерда ва қайси лавозимда ишламасин ўз вазифасини сийдиқидилдан бажарди. Раҳбарман, менинг гапим гап демади. Ишчи-ходимларнинг иш жараёнида билдирган фикр-мулоҳазаларини эшитиб, фойдалиларини амалиётга жорий қилди. Муаммолар ечимини топишда синчковлик билан иш тутди. Ходимларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг ижтимоий масалаларини ҳар томонлама ижобий ҳал қилишга ҳаракат қилди. Албатта, ҳамжихатлик, аҳиллик ўз самарасини берди. Янгийўллик алоқачилар вилоят алоқа корхоналари ўртасида ҳамма кўрсаткичлар бўйича олдинги ўринларга чиқиб олди. 2005 ва 2006 йилларда алоқачиларнинг республика кўрик-танловлари голиби бўлишди. Утган йили эса “Энг намунали телекоммуникация боғламаси” номинацияси бўйича иккинчи ўринни эгаллашди. Жамоа раҳбарининг ҳам эзгу амаллари беиз кетмади. У турли йилларда Агентликнинг “Аёло даражадаги раҳбар” нишонига ва фахрий ёрлиғига, “Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллигига 15 йил” эсдалик нишонига, шунингдек, “Ўзбектелеком” АК ҳамда шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари-у нодавлат ташкилотларнинг раҳматномаларига сазовор бўлган. Бу йил қаҳрамонимизнинг самарали меҳнатлари яна бир бор эътироф этилди, унга соҳанинг энг нуфузли мукофоти – “Моҳир алоқачи” фахрий унвони берилди.

Мақолани ўқиганлар Жумабой ака Бўтаевга муҳаббат қилиши табиий. Яхши амаллар, эзгуликлар эгаси, аҳил жамоа раҳбари, пиру бадавлат оила соҳибига ҳавас қилмай бўладими, ахир. Аммо фақат шунга эмас. Бу инсон шу кунларда ўзининг муборак олтимши ёшини қарши олмақда. Яна ким билан денг, тўқсон ёшни ортда қолдирган падарни бузруқвори Амирлло ота ҳамда саксон беш ёшни қувиб ўтган волидаю муҳтарамаси Иззат аялар билан. Бундан ортиқ бахт бормикин дунёда. Бахти бекам, бағри бутун инсон деб шунга айтсалар керакда.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
“Хабар”нинг махсус мухбири

Жумабой ёшлигиданоқ қадамдан ўт чақнай-диган, синчков, ўқишлари ҳам доимо ўқитувчилар мақтовидаги бола эди. Радио ва телефонга қизиқиши катта бўлгани боис Янгийўлдаги ўзи таълим оладиган 44-мактабда ташкил этилган радиотехника тўғарагига аъзо бўлди. Тўғриси, шу тўғарада ундаги иштиёқ келажакда алоқачи бўлишдек ҳақиқий мақсадга айланди, радио ва телефон алоқаларига боғлиқ янги-янги фикрларни ўртага ташлади, радиотехника соҳаси бўйича туман, вилоят кўрик-танловларида голиб чиқди, совриндор бўлди. 1966 йили мактабни тамомлаши билан ҳеч иккиланмай Тошкент электротехника алоқа институтига йўл олди, талаба бўлди. Институтда соҳа фанларини зўр иштиёқ билан ўрганди, устозлар сабогини олишдан эринмади. Талабалик йилларида ҳам ихтиролари билан институт жамоатчилиғи назарига тушди. Танловларда бир неча бор голибликни қўлга киритди. Ниҳоят, 1972 йили институтни имтиёзли тамомлади.

Уша йилларда битирувчилар йўлланма билан республикамизнинг турли вилоятларига юборилар эди. Жумабой аканинг чекига Андижонга бориб ишлаш тушди. Эндигина уйланган ёш мутахассис баҳона-ю эътироз қилиб ўтирмади, керакли буюмларини биттагина сандиққа жойлади-у оиласи билан водийга йўл олди. Албатта, у Андижонда ўзини тайёр мансаб, обрў-эътибор кутиб турмаганини, бунга машаққатли меҳнат билангина эришиш мумкинлигини яхши англади. Шундай бўлди ҳам. Ёш оила етарли шароитга эга бўлмаган ижарали уйга жойлашди... Кўрган борган ақинлари уларнинг ҳолига ачиниб қайтган кунлар ҳам бўлди. Аммо мақсади сари интилишда ҳар қандай қийинчиликлардан қўчмайидиган Жумабой ака бунга парво қилмасди. Чунки, унинг бағри бутун эди – Янгийўлда доимо қўллари дуода бўлган ота-онаси бўлса, ёнида ҳар доим тушунган, қўлаб-қувватловчи, сабрли турмуш ўртоғи, ўз фарзандларидек қабул қилган жамоадошлари бор. Аҳил оилада бирин-кетин фарзандлар туғилди – икки ўғил, икки қиз. Андижонда ишлаган йиллари қаҳрамонимиз учун

Ҳикмат

АГАР ИНСОН ЭЗГУЛИККА ИНТИЛИБ ЯШАСА, УНИНГ УМРИ ҚУВОНЧЛИ ВА ГЎЗАЛ КЕЧАДИ, ГЎЗАЛ ҲАЁТ ЭСА ХАЛҚ НАЗАРИДА ҲАМ, ҲУДО НАЗАРИДА ҲАМ ЮКСАКДИР.

Абу Наср ФОРУБИЙ

BIR VILOYATDAN IKKI XABAR

Долзарб вазифалар

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ. Сурхондарё филиалида жорий йилнинг биринчи чораги ақунлари чуқур таҳлил этилди. Натижада дастлабки уч ойда бажаришга улғурилмаган, аммо асло кечиктириб бўлмайдиган долзарб ишлар оёдек равшан кўзга ташланди.

Филиал директори Мухиддин Маматқулов маърузасида ва унинг муҳокамаси чоғида почта алоқаси тармоқлари раҳбарларининг ходимларга талабчанлиги бўшаштириб юборилгани рўй-рост айтилди. Шу боис филиал томонидан юборилаётган меъёрий ҳужжатлар ижроси ўз вақтида таъминланмаёпти. Баъзи шахобчаларда мижозлар ва пенсионерлар билан муомала пайти касб маданиятга амал қилинмаётганлиги ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Мавжуд алоқа бўлимларини балансга олиш жараёни Қумқўргондан бошқа барча туманларда пайсалга солинмоқда. Йиғилишда Шеробод, Шўрчи, Учқизил, Узун, Сарносиев, Бойсун туманлари почта алоқаси тармоқлари раҳбарлари зиммасига бу ишни июн ойининг иккинчи ўн кунлигига қадар ниҳоясига етказиш юклатилди. Аини пайтда жойлардаги қарийб 400та почта қўтисининг бугунги ҳолатини қатъий назоратга олиш топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ҳам дастлабки чорак ақунлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан қабул қилинган қарорда таъкидлаб ўтилган камчиликларни тезроқ бартараф этиб, йилнинг иккинчи чорағида сезиларли ўзгаришларга эришиш, 2008-2009 йилги кузги-қишки мавсумга пухта тайёргарлик кўриш, ходимларнинг фарзандларини оромгоҳларда дам олдиришини кенг йўлга қўйиш каби долзарб вазифаларга асосий эътибор қаратилди.

Саёҳат

Яқинда Сурхондарё вилояти алоқа ходимларидан бир гуруҳи юртимизнинг қадимий шаҳарлари — Бухоро ва Самарқанд бўйлаб саёҳатда бўлишди. “Ёшлар йили Давлат дастури” доирасидаги бу тадбир қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

— Биз мафтункор дёрда яшаётганимизни чуқур ҳис этдик, — дейди Ангор почта алоқаси тармоғига қарашли Кайран алоқа бўлими бошлиғи Рустам Шомуродов. — Айниқса, Бухорои шариф обидалари, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий меъморий мажмуаси барчамизни ҳайратга солди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
“Хабар”нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

Каждый из нас в жизни является потребителем различных услуг, и конечно услуг связи и информатизации. И потребителя любой услуги в первую очередь волнует ее качество.

Он не намерен мириться с его низким уровнем, тем более, что в современном мире к качеству предоставляемых услуг предъявляются все более высокие требования.

Трудно не согласиться, что низкое качество предоставляемых услуг связи и информатизации справедливо вызывает недовольство потребителя.

Действительно, как можно быть довольным, если при разговоре по телефону почти ничего неслышно или присутствуют посторонние шумы, внезапно отключается связь и не получена нужная информация, несвоевременно поступают письма и газеты, грубят работники связи, а за некачественно предоставленную услугу оплата производится согласно установленному тарифу.

Именно эти причины являются факторами возникновения жалобы, и потребитель обращается со своими претензиями к предоставляющему услуги оператору. Но, как показывает анализ обращений, оператор не всегда оперативно, а иногда длительное время не принимает действенные меры и оскорбленный потребитель ищет защиты своих прав в вышестоящих организациях.

На функционируемом в целях защиты прав потребителей и улучшения качества предоставляемых услуг связи и информатизации «Телефоне доверия» Государственной инспекции связи всегда «горячая» пора. Так, за 1 квартал 2008 года в Государственную инспекцию связи поступило 309 обращений, в том числе 274 жалобы, из них 188 жалоб, большая часть которых возникла по вине предприятий, предоставляющих услуги местной телефонной связи и составляет 181 жалоба или 96,3 %.

Жалобы на работу местной телефонной связи распределяются сле-

Жалоба — сигнал к действию!

дующим образом:

- 143 жалобы или 79% — из-за несвоевременного устранения повреждений кабеля;

9 жалоб или 5% — из-за несвоевременного восстановления кабеля в результате хищений на линейных сооружениях связи;

23 жалобы или 12,7% — из-за плохого качества связи по причине несоответствия техническим нормам параметров линейных и станционных сооружений;

6 жалоб или 3,3% разного характера, в том числе 3 на установку телефона, 1 на качество телеграфной связи и 2 на услуги междугородной телефонной связи.

К сожалению, в условиях свободных рыночных отношений жалоба для некоторых руководителей хозяйствующих субъектов связи и информатизации до настоящего времени не стала сигналом тревоги в работе предприятия, а также сигналом о принятии срочных действий мер в целях удовлетворения претензий потребителя и предотвращения повторения подобных случаев.

Яркими примерами проявления безответственности и неприятия своевременных мер, когда только после вмешательства Государственной инспекции связи по поручению УзАСИ удовлетворяются претензии потребителя, являются:

- жалоба гражданки Бабаевой

Соҳани ривожлантириш режасига асосан, Нукус ва Урганч телестудиялари дастурларини ўзаро алмашиб тарқатиш, шаҳарлар орасида телефон каналларини ташкил этиш мақсадида Нукус—Султон Увайс (Қаратов)—Беруний—Урганч радиореле станциялари қурилди ва уларда Р-60/120 русумли техник жиҳозлар ўрнатилиб, Нукус—Урганч радиореле линияси ишга туширилди.

1980 йилда Хоразм вилоятининг шарқий ҳудудига жойлашган Ҳазорасп туманига қарашли Питнак шаҳри ва атрофида яшовчи аҳолини теледастурлар билан таъминлаш мақсадида Урганч РТСдан узатилаётган телесигнални эфир орқали қабул қилиб, аҳолига қайта тарқатиш учун 2та "РПТДА" русумли 100 Вт қувватли телеузатгич ўрнатилиб, Питнак РТСи ишга туширилди ва ҳудуд аҳолиси Ўзбекистон телевидениесининг биринчи ва иккинчи дастурини томоша қила бошлашди.

1981 йили республикамизда биринчилар қаторида Урганч радиотелевизион узатиш станциясида эскирган "Игла - 5/2,5" русумли телеузатгичлар ўрнига "Зона-2-5/1"

Хоразм РТУМ тарихи



русумли замонавий телеузатгичлар ўрнатилиб, бу эса, ўз навбатида, вилоят аҳолисини сифатли теледастурлар билан таъминлашга хизмат қилди.

XX аср охириларига келиб вилоят аҳолисини телевидение дастурлари билан қамраб олиш 80-85 фоизни ташкил этар эди. 1987 йили вилоят марказидан 180 километр узоқда жойлашган Тупроққалъа қишлоғи аҳолисини теле ва радио дастурлари билан таъминлаш мақсадида Тупроққалъа РТС қурилиб, унга Ернинг сунъий йўлдоши орқали, Москвадан биринчи теледастурини қабул қиларган ускуна ва бу дастурни эфирга қайта тарқатадиган "РЦТА-70" русумли телеузатгич ҳамда Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастурини тарқатиш учун "РПТДА" русумли телеузатгич ўрнатилиб, вилоятнинг антенналари янги қурилган 40 метрлик телеминарога ўрнатилиб, Вилоятда радиозиттиришни янада ривожлантириш мақсадида 1990 йили Урганч РТСда ўрта тўлқинда ишлайдиган "СРВ - 5" русумли ва 5кВт қувватга эга бўлган радиоузатгич ўрнатилиб, бу эса вилоят аҳолисининг 90 фоизга республиканинг "Машъал" радиодастурини тинглаш имкониятини яратди.

1993 йили вилоятдаги радиотелевидение тарқатиш тизими бошқарувини такомиллаштириш ва ривожлантиришни жадаллаштириш мақсадида Хоразм радиотелевизион узатиш маркази (РТУМ) ташкил этилди ва вилоятдаги телерадиодастурларни тарқатиш тизими Нукус РТУМ тасарруфидан янги ташкил этилган Хоразм РТУМ тасарруфига ўтказилди. Марказ бошлиғи этиб, соҳада 1963 йилдан бери ишлаб келаётган тажрибали мутахассис, Урганч РТС бошлиғи Рафиқ Раҳматуллаев тайинланди.

2005 йилдан Япония Халқаро ҳамкорлик банкнинг имтиёзли кредити ҳисобига вилоят РТСларидаги эскирган ускуналар алмаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 12 сентябрдаги "Йўлдошли алоқа тизимларидан

фойдаланган ҳолда телерадиозиттиришларни ташкил этиш" лойиҳасини амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги қарори асосида вилоят ҳокимининг тегишли қарори ишлаб чиқилди ва чора-тадбирлар режаси тузилди. Мазкур қарор ижросини

таъминлаш мақсадида Хитой инвестиция лойиҳасидан фойдаланилган ҳолда, 5та теле ва 4та радиоузатгич монтаж қилиниб, 2006 йил охири ва 2007 йил бошларида ишга туширилди. Жумладан, Тупроққалъа мавзесининг Саримой қишлоғида 1 кВт.ли "ТБУ-1КС" русумли теле ва "NF/S/1000ALL" русумли радиоузатгичлар ҳамда йўлдошли алоқа тизими орқали телерадиодастурлар қабул қилиниб, эфирга узатила бошланди. Натижада вилоят ҳудудини "Ўзбекистон" телерадиодастурлари билан 100 фоиз қамраб олишга эришилди.

Минтақада соҳа ривожини жадаллаштириш ҳамда мавжуд РТСларни бошқаришни такомиллаштириш мақсадида 2006 йил январ ойидан бошлаб Беруний, Тўртқўл ва Эллиқалъа РТСлари Қорақалпоқ РТУМ тасарруфидан чиқарилиб, Хоразм РТУМ тасарруфига ўтказилди. Ушбу РТСлардаги маънан эскирган телеузатгичлар ХХРнинг "Alcatel Shanghai Bell" лойиҳаси бўйича 100Вт қувватга эга бўлган янги "СSD-100W" узатгичларга ўзгартирилди. Бу билан эфирга узатилаётган теледастурларнинг сифати замон талабига жавоб берадиган даражага етказилди. Тўртқўл туманидаги Кўчка қишлоғида йўлдошли алоқа тизими орқали қабул қилиниб, эфирга қайта узатадиган битта теле ва радиоузатгич ишга туширилди.

2007 йил ноябр ойида юқорида қайд этилган лойиҳа бўйича вилоят телестудияси теледастурларини алоҳида узатгич орқали эфирга узатиш мақсадида Урганч РТСда 1 кВт.ли, "ТБУ-1КС" русумли телеузатгич ўрнатилиб, вилоят туширилди.

Ҳозирги кунда Хоразм РТУМга қарашли 7та РТС фаолият кўрсатмоқда. Вилоят аҳолисини сифатли телекўрсатувлар ва радиозиттиришлар билан таъминлашда Хоразм РТУМ мутахассислари сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқдалар ва уларнинг хизматлари муносиб тақдирланмоқда. Жумладан, Урганч РТСнинг УКВ цех бошлиғи И.Назаров 2006 йили Агентликнинг "Моҳир алоқачи" унвони билан, Эллиқалъа РТС муҳандиси Х.Кребов 2007 йили "Ўз касбининг устаси" белгиси билан, Урганч РТС навбатчи муҳандиси Б.Ниязметов, Урганч РТС электромеханиги Р.Аширов, РТУМ бош ҳисобчиси Г.Одамова, РТУМ ходимлар бўлими бошлиғи Ш.Усмоновлар РРТМ фахрий ёрликлари билан тақдирландилар.

Хоразм РТУМ жамоси амалга ошираётган бунёдкорлик ишларида ва қўлга киритган ютуқларида тажрибали мутахассислар қаторида РТУМ бош муҳандиси Э.Машарипов, Питнак РТС муҳандиси О.Жуманов, Урганч РТС биринчи тоифали муҳандиси О.Матёкубов ва бошқа ёш мутахассисларнинг муносиб ҳиссалари бор.

М.АТАМУҲАМЕДОВ,
РРТМ бош директори,
Р.АЗИМОВ,
Хоразм РТУМ директори

MOBIL XIZMATI YANGILIKLARI

МТСдан «RED NIGHT» тунги тариф

"МТС-Ўзбекистон" компанияси тунда арзон ва қўлай мулоқот қилиш учун янги «RED NIGHT» хизмат режасини тақдим этмоқда.

Янги хизмат режасида кечаси 23:00дан эрталаб 06:00гача "МТС-Ўзбекистон" тармоғи ичидаги чиқувчи алоқа бир дақиқа учун \$0,01, бошқа барча кўнгириклар эса бир дақиқа учун \$0,02. Янги тарифда абонент тўлови кунига \$0,02 ва албатта тармоқ ичида кирувчи алоқа бепул. «RED NIGHT» тарифида гаплашувлар 61-сониядан бошлаб сониялаб нархланади.

«RED NIGHT» режасига МТС офисларида ҳамда компания дилерларида улашиш мумкин. «RED BASIC» ва «RED LIGHT» хизмат режасига уланган МТС абонентлари "тунги" режага *111*3*5# USSD-команда рақамига кўнгирик қилиб ёки 1771 рақамига 005ни SMS-хабар тарзида юбориб ўтишлари мумкин.

«БИЛАЙН»нинг янги тариф режаси

«Билайн» «Биринчи Сўмли» деб номланган янги тариф режасини ишга туширди. Бу республикадаги барча мобил алоқа операторлари орасида миллий валютадаги биринчи ва ягона тариф режасидир.

Ушбу тариф режасида тармоқ ичидаги роуминг йўқ, яъни Ўзбекистоннинг исталган ҳудудига турган абонент мамлакат бўйлаб кўнгирикларни сониясига 1 сўм тўла амалга ошириши мумкин ва ҳеч қандай абонент тўлови мавжуд эмас.

«Биринчи Сўмли» тарифи абонентлари ўз маблағларини нол балансга ишлатишлари, бунда тармоқ ичидаги кўнгириклар ва SMS қабул қилишлари мумкин. Келгусида мазкур тарифдан фойдаланувчилар Ўзбекистондаги «Билайн» тақдим этадиган барча хизматлардан фойдалана олади ва улар ҳам миллий валютада нархланади.

Мазкур тарифга келгуси сўзлашувлар учун 4000 сўм тўлаган ҳолда «Билайн» офисларида ёки компания расмий дилерларида улашиш мумкин.

Тариф режасини «Биринчи Сўмли» тарифига ўтказиш учун *110*518#ни териб лозим.

MAGISTR MINBARI

SMS технологиялари мобил телефон фойдаланувчиларига янгидан-янги қулайликлар, имкониятлар эшигини очмоқда. Мобил банкинг ана шундай истикболли хизмат турларидан бўлиб, фойдаланувчининг ўз банк ҳисоби ҳолатидан мунтазам равишда бохабар бўлиб туришини таъминлайди

Янги хизматнинг асосий афзаллиги — турли шубҳали пул амалиётлари, фирибгарликлардан ишончли ҳимояланганлигидир.

Ҳозирги кунда кўплаб банклар ўз мижозларига SMS-банкнинг хизматини тақдим этмоқда. Аксарият ҳолларда SMS-банкнинг дегадана мижозга фақат унинг пластик картаси орқали ўтказилган амалиётлар тўғрисидаги маълумотлар SMS-хабар воситасида етказилиши тушунилади. Аслида тўлақонли SMS-банкнинг — SMS-хабар воситасида мижозга масофадан хизмат кўрсатишга мўлжалланган банк фаолияти йўналиши ҳисобланади.

SMS-банкнинг қисқа хабарлар жўнатиш технологияси (Short Message Service) — дастлаб уяли алоқа операторлари хизматига доир ахборотларни жўнатишда фойдаланган махсус маълумотлар узатиш канали қўлланилишига асосланади. Қисқа хабарлар (ахборот блоки узунлиги — 140 байт) ёрдамида мобил телефонга банкдан тўловлар

банк”, “Ғаллабанк”, “Траст-стон банк”, “Туронбанк”, “Туркистон банк”, “УТ-банк” ва “Ўзсаноатқурилишбанк” ўз мижозларига мазкур хизматни тақдим этмоқда.

SMS-банкнинг хизматидан фойдаланиш учун мобил телефонингиз уяли алоқа опе-

га карта бўйича амалиётга доир ахборотни жўнатида. SMSда сарфланган маблағ, транзакция ўрни ва ҳисобда қолган пул миқдори кўрсатилган бўлади. Агар зарур бўлса, мижоз банкдан карта бўйича амалга оширилган сўнги амалиётлар рўйхатидан кўчирма олиши ҳам мумкин. Шунингдек, мижоз ҳисобига келиб тушган маблағ-

циялар ҳақида сизга дарҳол хабар етказилади;

- картангиз ўғирланганда/йўқолганда ёки мобил телефон воситасида фирибгарлик амалиётлари ўтказилганлиги тўғрисида гумон туғилганда, сиз оператордан ҳам аввалроқ пластик карта бўйича амалиётларни тўхтатиб қўя оласиз;

- ҳисобингизда қолган маблағ миқдорини билган ҳолда, сиз рухсат этилмаган овердрафт учун фоиз тулаш мажбуриятидан қутуласиз.

SMS-банкнингнинг қулайлиги:

- савдо шаҳобчасида туриб ҳам ҳисоб рақамингиз балансини текшириб кўришингиз ва харид чоғида ортқича харажат олдини олишингиз мумкин;

- карта-ҳисобингизга келиб тушган пул-маблағлар ҳақидаги тезкор маълумотга эга бўласиз;

- мобил телефонингизга келиб тушган бошқа тўлов карталарингиз амалиётлари тўғрисидаги маълумотлар асосида жами пул воситаларингиз ишлатилишини назорат қиласиз;

- ҳисоб рақами ҳолати ёки карта бўйича амалиётлар ҳақида маълумот берувчи хабарлар сиз ўзингиз кўрсатган электрон почта манзили ёки иккинчи бир телефон рақамига ҳам етказиб берилиши мумкин.

Аробиддин МАМАДАЛИЕВ, ТАТУ магистри

МОБИЛ SMS-БАНКИНГ



рўйхати ёки тўловнамдан кўчирма, ўз навбатида, банкка мижоз киритган маълумотлар жўнатилади.

Ўзбекистон банклари SMS-банкнинг хизматини 2006 йилдан татбиқ эта бошладилар. Таъкидлаш керакики, ҳозирча унинг турлари орасида фақат мижоз банкдаги ўз ҳисоб рақами ҳолатидан бохабар бўлиб турадиган тури йўлга қўйилган. Айни пайтда “Ҳамкорбанк”, “Алп Жамол Банк”, “Асака-

раторига уланган бўлса, кифоя. SMS (GSM стандартини қўловчи барча телефонлар SMS қабул қила олади) ёрдамида пластик карта эгасига тезкор банк ахбороти етказилади. Шу тариқа мижоз, қаерда бўлишидан қатъи назар, ўз пуллари ҳолатидан доимий хабардор бўлиб туради.

Харид ёки хизмат учун тўлов амалга оширилган, банк дарҳол сервисга уланган мижоз мобил телефони-

лар ҳақида ҳам ўз вақтида хабардор этилади.

Бундан ташқари, SMS-банкнинг ёрдамида карта бўйича амалиётларни тўхтатиб қўйиш ҳам мумкин. Бу асосан икки ҳолатда: карта йўқотиб қўйилганда ёки мижоз ўзи амалга оширмаган транзакция ҳақида хабар топганида қўлланилади.

SMS-банкнинг кенгайишда давом этмоқда. Масалан, эндиликда SMS орқали нафақат банкдаги сармойани назорат қилиш, балки пулни ҳисобдан-ҳисобга ўтказиш имконияти ҳам пайдо бўлди. Шундай экан, келгусида мобил телефон назорат қилиш фаолиятдан ташқари, бевосита банк карталари ўрнини эгаллаши мумкинлиги тўғрисидаги фараз ҳам эҳтимолдан холи эмас.

SMS-банкнингнинг хавфсизлиги:

- исталган, шу жумладан, рухсат этилмаган транзак-

Электрон рақамли имзо ва Э-тижорат

Сўнги йилларда мамлакатимиз корпоратив ахборот тизимларида электрон рақамли имзо (ЭРИ) тобора кенг оммалашмоқда.

Электрон тижоратга дахлдор шартномалар тузишда нафақат электрон ҳужжатлар, балки бошқа кўринишдаги электрон воситалар ҳам қўлланилади. Жумладан, электрон тижоратда қуйидаги икки усулдан фойдаланиш мумкин:

1. Электрон почта (e-mail) воситасида шартномалар тузиш. Электрон хат-хабарлар алмашиш орқали шартнома имзолаш уч босқичда амалга ошад: томонларнинг шартномаолди алоқалари (музокаралар), оферта ва оферта акцепти.

2. Web-саҳифалар (сайтлар)дан фойдаланган ҳолда шартнома тузиш. Бунда муайян шахс ўз махсулотли ва хизматларини график, матнли ёки овозли шаклда интернет-саҳифада тақлиф этади. Мазкур тақлифдан фойдаланишни истаган бошқа бир шахс эса ўша сайтда ўзи ҳақида маълумот, агар зарур бўлса, шартнома шартларини белгилаган ҳолда тегишли бандни тўлдирди. Шундан сўнг харидористезьмолчи компьютер экранидаги “Розиман” (“Согласен”, “Submit”, “I Agree”) тугма-иконкасини босади. Битимлар имзодан факсимил нусха олиш, ҳужжат, хат, телеграмма, телефонограмма, телетайп дастур, факс алмашиш орқали тузилиши мумкин.

Айни пайтда шахс имзосининг электрон кўринишдаги муқобилини

ЭРИ — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартриш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берувчи имзодир.

амалга киритиш эҳтиёжи туғилмоқда. Унинг негизини ўтган асрнинг 70-йилларида ишлаб чиқилган мураккаб математик амалларга асосланувчи очиқ калитли криптографик алгоритмлар ташкил этади.

ЭРИ қоғоз ҳужжатлардаги имзога хос қатор муаммоларга барҳам берди ва электрон ҳужжатнинг қуйида кўрсатилган афзалликларини ўзида мужассамлаштирган:

- аслик — ҳужжатнинг муаллифи тасдиқланган;
- бутунлик — имзоланганидан сўнг ҳужжатга ўзгартриш киритиб бўлмайди;
- муаллифликнинг инкор этилмаглиги — яқунда муаллиф ўз имзосидан тона олмайди.

Бугунги кунда ЭРИ бошқарувнинг ҳужжатли таъминоти, тўлов тизимлари, электрон савдо ва бухгалтерияда кенг қўлланилмоқда.

Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётида электрон почта татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади. Электрон тижоратнинг шакл-

ланишида тўлов тизимлари муҳим рол ўйнайди. Ҳозир республика-мизда PAYNET, E-PAY, eKartmon сингари электрон тўлов тизимлари фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур тизим жуда ҳам қулай: махсулот ёки хизматни сотиб олиш ва сотишда, олинган махсулот учун интернетда пул ўтказмалари амалиёти чоғида вақтни тежайди. Шунингдек, ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш марказида электрон рақамли имзони олиш, тасдиқлаш ва текшириш пайтида web-порталда тўлов тизимдан фойдаланиш мумкин.

Фойдаланувчи рақамли имзо олиш учун рўйхатга олиш саҳифасида шахсий маълумотлар: исми, фамилияси, отасининг исми, туғилган йилини, паспорт маълумотлари ва сериясини, телефон, мамлакат, манзилини кўрсатиши шарт. Шунингдек, электрон почта манзилини киритиш лозим, сервер янги рўйхатга олинган фойдаланувчининг электрон почта манзилига рақамли имзонинг калити, логини ва паролини юборади.

Рўйхатдан ўтишда фойдаланувчи алоқа учун маълумотлар: логин, парол, манзил, телефон, паспорт маълумотлари ва бошқаларни киритади.

Рўйхатга олинганидан сўнг фойдаланувчи маълумотлар сақланган хатни электрон почтадан жўнатади. У электрон рақамли имзо хабарларига имзо чекиш имкониятига эга бўлади. Шундан сўнг фойдаланувчи портал янгилари мунтазам жўнатилиб турилади. Шунингдек, маъмурларнинг мижозлар билан қайта алоқаси ҳам ўрнатилади.


Фойдаланувчи кўринмас, тескари томон бошқарув тизимидир. Маъмур тизимидаги кириш фақат кириш порталдан сўнг амалга ошад (маъмур логин ва паролини ўзгартриши ҳам мумкин). Маъмур электрон рақамли имзони бошқариш имкониятига эга:

- рўйхатдан ўтиш ва электрон рақамли имзо олиш;
- ЭРИнинг ҳаққонийлиги тўғрисида тасдиқ жавоби олиш;
- марказ ҳақида маълумот олиш;
- ҳужжат алмашишда ЭРИдан фойдаланиш ишончилиги тўғрисида ахборот олиш;
- ЭРИнинг махсус бўлимларини тахрирлаш;
- ЭРИнинг боғлиқ ахборотларини тахрирлаш;
- рўйхатга олишда фойдаланувчига жўнатиладиган хатларнинг сўз боши ва матнларини тахрирлаш.

Х. МУҲАМЕДОВ, ТАТУ магистри


OQLAR BOSHLAYDI VA ...

1-масала
А.Андерсен (1842 йил)



Тўрт юришда мот

2-масала
Донишманд Алфонс Х (1283 йил)



Қоралар бошлайди ва уч юришда зафар қозонади

xabarotma@mail.ru

"Xabar"ning 2008 йил 23 май, 21 (818)-сонида чоп этилган шахмат масалалари жавоблари:

- 1-масала (икки юришда мот) — 1. Рух h4 Шох:h4 2. Фр h6# 1. ... f4 2. Рух h5# 1. ... Фил g6 2. Фр d8# 1. ... Фил g8 2. Фр h6#**
2-масала — 1. a8 (Асп) Шох a5 2. Асп d6 b5 3. Асп b7# — учта от билан чиройли мот!

"Xabar"ning 2008 йил 23 май, 21 (818)-сонида чоп этилган шахмат масалаларига тўғри жавоб йўллаган муштарийлар:

1. Худойберди Келдиев ва Рихсиддин Қосимов — "Ўзи-Термиз" филиали ЛАЗ бўлими муҳандислари (1-2-масалалар).
2. Икром Бўронов ва Равил Зиганшин — "Сурхондарё Телеком" филиали муҳандислари (1-2-масалалар).
3. Озод Алимов — Эллиқалъа телекоммуникациялар боғламаси маркетинг хизмати мутахассиси (1-масала).

BU — QIZIQ!



„Samsung“ ган сумка-монитор

"Samsung Syncmaster Magic"нинг сумка-мониторлари хиёбонларда ўз... мониторлари билан сайр қилишни хуш кўрадиган одамлар учун айна муддао бўлди. Албатта, у санъат даражасида яратилган, аммо барибир тушуниш қийин – сайр пайтида монитор кимга ҳам керак бўларди?..

SALOMATLIK

Бир пиёла шарбат...

- Узум шарбати камқонлик, ўпка касалликлари, қувват камлигини даволашда ва ўт қолидаги тошларни туширишда ёрдам беради.
- Олма шарбати таркибиде суякларни мустаҳкамловчи моддалар мавжуд. Шунинг учун ҳам уни ёш болаларга кўпроқ бериш керак.
- Апельсин шарбатини С витамини етишмаганда, кўз хиралашганда, радиоактив нурланиш олганда истеъмол қилинг.
- Картошка шарбати — бош оғриғи, гастрит, жигилдон қайнашининг душмани.
- Сабзи шарбати кўз нуруни равшанлаштиради, терини, нафас йўли ва овқат ҳазм қилиш тизимидаги шиллиқ пардаларни тозалайди, лекин жигари хаста инсонларга меъёрдан ортиқ сабзи шарбати ичиш тавсия этилмайди.
- Қизил лавлаги шарбати ёшартирувчи хусусиятга эга. Фақат угина ёмон сифатли ўсимталарнинг ривожланишини тўхтата олади. Лавлаги шарбати ўта тахир бўлганлиги сабабли уни қарам, олма, сабзи шарбати билан аралаштириб истеъмол қилиш мумкин. Лавлаги шарбатини бироз тиндириб қўйиб, сўнгра учдан икки қисмини истеъмол қилинг.

AJIB DUNYO

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

"Ромео" лақабли ҳиндистонлик 19 ёшли Адитя Дэв ўзи тугилиб ўсган Фагвара шаҳрида яхшигина машхур. Хар куни гуруҳ-гуруҳ одамлар бўйи 84, оғирлиги 9 килограммлик дунёдаги энг кичкина бу паҳлавоннинг қандай шуғулланишини томоша қилгани шаҳардаги машгулотлар залига келади.

Айтиш мумкинки, аксарият кичкина одамларга нисбатан Ромео анчагина мутаносиб гавда тузилишига эга – бош айланаси — 38 см, кўкрак қафаси — 50 см.

Ромеонинг ўзи шундай дейди: "Бодибилдинг билан икки йилдан буён шуғулланаман. Ўйлайманки, мен дунёдаги энг кучли митти одамман. Дроимо соғломман, кучли бўлишим менга машхурликни олиб келди. Бўй-бастим ҳеч қачон мени тўхтатиб қолмаган. Гантеллар, аэробика билан машқ қиламан, бундан ташқари, рақс ҳам тушаман. Одамлар мени кўриб доим қувонишади. Хатто, мени телешоуга таклиф этишиб, рақс тушишини илтимос қилишди".

Ромеога Ранжит Пал мураббийлик қила-



ди. "Бўйи жуда кичкина бўлганлиги учун унга мураккаб машқларни бермайман, — дейди Ранжит. — Лекин Ромео бошқалар қанча машқ қилса, шунча шуғулланади, ўз мақсадига эришиш учун ҳаракат қилади. Дастлаб танасини тайёрлаб олиш учун унга бир ой аэробика ва гимнастика машқларини белгиладим. Шундан кейин ўзига мўлжалланган махсус энгил гантеллар тайёрладим. Натижа жуда қўнғилдагидек бўлди".

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ



Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 49-бандига асосан:

"КОМПYТЕР КЛАСС" хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001602 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2008 йил 30 майдан тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 23-бандига асосан:

"Мирзамуродов Шерзод Хазратович" хусусий корхонасининг (Қашқадарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002298 рақамли лицензияси 2008 йил 30 майдан бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-сонли қарорига асосан:

"Алоқа таъмир таъминот" хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг (Қарши шаҳри) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001970 рақамли;

"Универсал таъмир таъминот" ишлаб чиқариш корхонасининг (Қашқадарё вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001971 рақамли;

"TASHSOTTA'MIRQURILISH" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002000 рақамли;

"Терра-Дон" хусусий корхонасининг (Қарши шаҳри) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002022 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2008 йил 30 майдан 10 иш кунига тўхтатилди.

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети (собиқ Тошкент электро-техника алоқа институти)нинг автоматик электралоқа, кўпканалли электралоқа ҳамда радио ва телевидение факультетларини 1983 йилда битирган талабалар диққатига!

Сизларни институтни битирганингизга 25 йил тўлиши муносабати билан Тошкент шаҳрида 2008 йил 28 июн куни бўлади-ган учрашувга таклиф этамиз. Мазкур тадбирда қатнашиш истаги бор битирувчилар кўшимча маълумот учун куйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишлари мумкин: **233-20-18, 233-64-32, 150-19-66.**

Ташкилотчи: Асатилла АЗИМОВ.

"RITM-BIZNES" масъулияти чекланган жамиятига Тошкент шаҳар, Миробод тумани ҳокимлиги томонидан 2007 йил 11 декабрда берилган реестр рақами 002917-03 бўлган 002917-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Табриклаймиз!

"Қорақалпоқ Телеком" филиали Хўжайли телекоммуникациялар боғламаси жамоаси ЛАЦ оператори Тулеев Сабит Қурал ўғлини тугилган куни билан табриқлайди. Унга бахт-саодат, ишларида омад тилайди.

SPORT

ПОЧТАЧИ ОСИЁДА ИККИНЧИ

Хусанбой Назиров 2005 йилдан буён "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиалининг Хонобод почта алоқаси тармоғи бошлиғи вазифасида ишламоқда. Аҳолиси 36000дан зиёд бўлган шаҳарда почта алоқаси ишини ташкил этиш билангина кифояланмай, мунтазам равишда спортнинг оғир атлетика тури билан шугулланиб келади.

Яқинда у Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2008 йилги оммавий спорт тадбирлари тақвим режасига асосан пауэрлифтинг спорт тури бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган Осие чемпионатида иштирок этиб қайтди.

— Чемпионатда Осиенинг 14та давлатидан келган спортчилар иштирок этишди, — дейди биз билан суҳбатда Хусанбой ака. — Шундай нуфузли чемпионатда 75кг. вазн тоифасида қатнашиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилиш бахтига муяссар бўлганимдан гоят бахтиёрман. Уч кураш бўйича 450 кг. натижа кўрсатиб фахрли иккинчи ўринни олдим ва кумуш медал билан тақдирландим. Фурсатдан фойдаланиб, мусобақада иштирок этишимга етарли шарт-шароит яратиб берган филиалимиз раҳбарияти ва Хонобод шаҳар ҳокимлигига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Биз Осие чемпиони совриндори, миллий терма жамоа аъзоси — Хусанбой ака Назировни мукофот билан кутлар эканмиз, келгусида жаҳон чемпионатларида ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишини тилаб қоламиз.



Камолитдин ҚАМБАРИДДИНОВ
Андижон вилояти

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусанд ҚУЧИМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДҲУҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХУҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета

Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлигида 0016 рақами билан
рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва
суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
тахририят фикридан фарқлиниши
мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда
"Хабар" дан олинганлиги
кўрсатилиши шарт.
Тижорий материал —
Реклама матнларининг тўғрилиги
га тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг
ҳаққонийлиги учун мақола
муаллифи масъулдир.
Газетани тайёрлашда интернет
материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида chop этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

553-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табоқ.
Алади: 12285 нуска.

Газета тахририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Матн тереувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 2 3 4 5 6 8

WCG 2008

БУХОРОДА
САРАЛАШ ТУРНИРИ

31 май-1 июн кунлари Бухоро шаҳридаги "GameZone" клубида компьютер ўйинлари бўйича VI Ўзбекистон чемпионатининг худудий саралаш турнири бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларидан 450дан зиёд геймерлар қатнашди.



Мусобақанинг биринчи кунги натижалари куйидагича бўлди:

Star Craft: Brood War ўйинида бухоролик Александр Костюк барча рақибларини ортда қолдирди.

War Craft III: Frozen Throne ўйинида эса яна бир бухоролик геймер Азизбек Шокировга омад кулиб боқди.

Жамоа бўлиб ўйналадиган Half-Life™: Counter-Strike 1.6 ўйинида Жасурбек Ражабов, Аваз Бекмуродов, Дилмурод Мўминов, Шухрат Маматназаров, Зафар Султоновлардан иборат Hell CREW жамоаси турнир ғолиби бўлди.

Мусобақанинг иккинчи кунинда эса қолган ўйинлар ўтказилди. Need for Speed Pro Street турнири бўйича 22 иштирокчи ўзаро баҳслашди. WCG 2008 UP Бухоро саралаш турнири ғолиби сифатида бу йил яна Артём Ражабов тан олинди. Ўтган йилги баҳсларда ҳам у ғолиб чиққан эди.

FIFA Soccer 08 ўйини бўйича эса 28 геймер ўз маҳоратини синовдан ўтказди. Бу ўйинда ҳам бухоролик Шариф Шамсиддиновга тенг келадигани топилмади.

Саралаш ўйинларининг ғолиблари Тошкентда ўтказиладиган миллий финал мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Навбатдаги минтақавий турнир мусобақалари 7-8 июн кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади.

Асқар ИСТАМОВ,
"Хабар"нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

ГОЛЛАР ШОУСИ

Жаҳон чемпионати 3-саралаш босқичининг учинчи турида Ўзбекистон терма жамоаси Сингапур меҳмони бўлди.

Ўйиндан аввал терма жамоамизнинг муваффақият қозонишига ишонган бўлсак-да, бироз хавотир ҳам йўқ эмасди. Чунки Сингапур терма жамоаси кескин ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Жумладан, ўнга яқин хорижлик футболчиға мамлакат фуқаролиги берилиб, терма жамоа сафига жалб қилинди. Айнан ушбу футболчилар Сингапур терма жамоасида асосий ижрочиларга айланишди. Бироқ Рауф Инилеев шогирдлари ортиқча хавотирларга ўрин йўқлигини исботлашди.

СИНГАПУР – ЎЗБЕКИСТОН – 3:7

Голлар: Александр Дурич, 16; Мустафиқ Фахрудин, 31-пен.; Жон Уилконсон, 73 – Темур Кападзе, 10; Виктор Карпенко, 22; Сервер Жепаров, 34; 44; Виталий Денисов, 42; Азиз Ибрагимов, 62; Максим Шацких, 88.

Учрашувнинг биринчи бўлими футбол мухлислариға ҳақиқий голлар шоусини тақдим этди. Аввалига ўзига хос "қувлашмачок" ўйналди. Бизнинг гелимизға майдон эгалари дархол жавоб қайтариб туришди. Кейин эса хужумға зўр берган вакилларимиз рақибларини анча ортда қолдириб кетишди ва яқунда ҳисоб йирик кўриш олдди.

Навбатдаги тур ўйини эртага – 7 июн куни бўлиб ўтади. Сингапур бу сафар Тошкентда синовдан ўтказилади.

"ҚУРУВЧИ"НИНГ
РЕЙТИНГИ ОШМОҚДА

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси дунё клубларининг 2008 йилнинг 1 июнигача бўлган рейтингини эълон қилди. Унга кўра, "Қурувчи" жамоаси кучли 100ликдан ўрин олди, дея хабар қилди клуб расмий веб-сайти.

Ўтган ойда "Қурувчи" рейтингда 147-ўринга кўтарилганди. Ушанда "қалдирғочлар" 110 поғона оқорига кўтарилишға эришгандилар. Бу сафар эса Миржалол Қосимов шогирдлари Осие Чемпионлар лигасининг жорий йилги чорак финалчилари — "Гамба Осака", "Аделаида Юнайтед", "Ал-Қодисия", "Ал-Карамма" ва "Сайпа" клубларини, шунингдек, Германиянинг "Штутгарт", Голландиянинг "Аякс" ва "Фейенорд", Бразилиянинг "Гремио", Португалиянинг "Спортинг", Россиянинг ЦСКА, Испаниянинг "Атлетик" (Билбао) ва "Сарагоса" каби жаҳонға машҳур жамоаларини ортда қолдирган ҳолда рейтингда 97-ўринни банд этишди.

IFFHS рейтингини Чемпионлар лигаси ғолиби "Манчестер Юнайтед" бошқариб турибди.

SIZ KUTGAN UCHRASHUV



нар, кейин симни тебратаётган лаҳзасидаги сон-саноксиз оҳанглар билан алмашар, кейин минглаб оҳанглар бир пайтда янграб одамлар қаторида бутун борлиқ гўзаллигини ҳам сеҳрлаб ташларди.

Хурриятнинг консерваториянинг "Мақом" бўлимини битиргани ва "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" лиги, Андижон вилоятининг Шахрихон шаҳрида туғилгани ҳаммага маълум... Турмуш ўртоғи чет тили мутахассиси эканлиги, бир гўзал қизчаси борлигини ҳам биламан... Буларнинг муסיқага алоқаси йўқ, Аммо суюкли кўшиқчиларнинг ўқиши, олган мукофотлари суврати учун зарур. Муסיқа, шеърият учун эса сийрат, асосий вазифани ўтайди.

Кўшиқ сеҳри

Икки кун илгари Номданак қишлоғининг боғларида озгина айландим. Жимхитлик бағрида, енгил шабада эсаётган паллада фақат булбулларнинг сайрашларигина янграб турарди. Кутилмаганда қулоқларим остида Хуррият Исроилованинг Навоий ҳазратларининг "Шитоб айлаб" газали билан айтиладиган бетакорр кўшиғи жаранглай бошлади. Кўзларимни юмиб оғир ва сирли сукутга толдим...

Гўзал оҳанг бир кўтарилар, бир тушар, сўнг бошқа оҳангга бўли-

шияллашади. Мумтозлик самимиятга қайтганда эса дилларда гўзаллик галаба қилади ва гўзалликнинг тантанаси бошланади... Мумтозликни баҳолаш учун эса ҳар бир ижодкор қалб мумтозликка даҳлдор бўлиши шарт. Демак, эзгулик билан боғлиқ туйғуларимиз тантана қила бошлаган лаҳзаларда қалбимизда гўзаликка муҳтожлик сезилади ва ўзимизни ёмонликдан тиямиз, яхшилик билан ёмонликни фарқлаймиз ва гўзаллик томонга юз бураемиз.

Мен "Шитоб айлаб" кўшиғини кўп ижрочиларда эшитдим. Назар

овози ҳам нимаси биландир булбул хонишига яқинлашади... Хуррият Исроилованинг вужудидаги булбул ноласига тутшиб кетадиган инсоний фарёдлар, бу дунёнинг бевафолиги ва умрнинг қисқалиги, орзуларнинг тўла ушалмаслиги борасидаги армонлар билан боғлиқ беҳад гўзал овози кишини сеҳрлаб, сархуш ва сармаст қилиб ташлайди. Хуррият ҳазрат Навоий, Нодира, Увайсий, Машраб газаллари билан айтиладиган мумтоз мақом кўшиқларни беҳад севади.

Мумтоз шеърият, мумтоз наср, мумтоз рассомлик, мумтоз оҳанг, умуман, мумтозликнинг ягона дўшмани самимиятдан узоқлашидир. Мумтозлик самимиятдан узоқлашган кезларда инсон ваҳ-

римда Хуррият кўпроқ устунлик қилгандай кўринади. Менинг фикрим мутлақо нисбий. Негаки, Отажон, Комилжон, Муножот, Толибжон, Маъмуржон каби кўшиқчиларнинг ҳаммасини ҳам завқшавк билан тинглайман.

Гўзал овозли кўшиқчиларимиз, муסיқачиларимиз бизга ҳазрат Навоийдек даҳолар яратган гўзалликни яна ҳам гўзаллаштириб юборади. Хуррият Исроилованинг овозида ҳам ана шундай сеҳрли кудрат бор.

Толибжон Бадинов, Отажон Худойшукuroв, Маъмуржон Узоқов, Очилхон Отахонов, Комилжон Отаниёзовнинг кўшиқларини бирор нимага алмашиб бўладими? Алмашигга бирор одамнинг кучи етадими?!

Шу боис Хуррият Лутфий ҳазратларининг "Бу кўнгулди", ҳазрат Навоийнинг "Шитоб айлаб", Нодиранинг "Фигонким"ини куйлаб, вужудни эритиб, юракни сел қилган лаҳзаларда унга ташаккур айтинг келади.

Хурриятбону билан бир неча бор суҳбатлашишга тўғри келди. Мана шу суҳбатлар жараёнида маълум бўлдики, Хурриятбону беҳад камсуқум, олижаноб, исми жисмига тўғри келадиган хурриятпарвар аёл. Эътиборли, синчков зот. Адабиётни, санъатни, жумладан рассомлик санъатини ҳам севадиган ажойиб санъаткор...

Мен унинг кўшиқларини тинглаб туриб, ҳаяжонланган лаҳзаларимда беҳитиёр: "Илоё, умрлари узун бўлсин!" деб юборганимни билмай қоламан...

Ўқтам ҲАКИМАЛИ

2008-YIL — YOSHLAR YILI

КОЛЛЕЖДА "ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ"

Бугунги кун ёшларига ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Уларга кўрсатилаётган гамхўрлик, яратилиб берилаётган қулай шарт-шароитлар, шаҳар ва қишлоқларда қад кўтараётган замонавий, кўркам коллеж ва академик лицейлар эртанги кун эгаларининг халқаро меъёрлар даражасида билим олишларини таъминляпти.

2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилинганлиги замонамиз ёшлари елкасига улкан масъулиятни юклайди. "Таълим тўғрисида" - ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда ўқув шаклининг янги йўналишлари — академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ташкил топишига туртки бўлди.

Буларда жамият учун астойдил хизмат қиладиган, етук мутахассислар тайёрлашдек муҳим вазифалар бош мақсад қилиб қўйилган.

2008 йил 29 апрел кунидан бошлаб Тошкент матбаа-ноширлик коллежиди "Очиқ эшиклар куни" бўлиб ўтмоқда. Ушбу тадбирда пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 19, 59, 102, 324, 254- мактаблар, Юнусобод туманидаги 12, 63, 105, 235, 302-мактаблар ҳамда Собир Раҳимов туманидаги 9, 165-мактаб 9-синф битирувчиларидан иборат 200дан зиёд ўқувчи ва уларнинг ота-оналари қатнашдилар. Коллежда касбий йўналишлар ҳамда мутахассисликларни акс эттирувчи кўргазмалар ташкил этилган. Ушбу ўқув юртида териш технологияси ва матн қрипларини тайёрлаш, босиш жараёни технологияси, бухгалтерия ҳисоби, менежмент, молия йўналишларида мутахассислар тайёрланади.

Ота-оналар ва ўқувчиларга коллеж фаолиятига оид лаҳзалар кўрсатилиб, ўқув муассасининг йўналишлари ва мутахассисликлари билан таништирилди. Мактаб битирувчилари коллеждаги жиҳозлар, ўқув ва лаборатория хоналари, спорт заллари ва компютер хоналари билан яқиндан таништириб чиқилди.

Тадбир охирида коллеж раҳбарияти, педагогик жамоа ҳамда консултиватив марказ аъзолари мактаб ўқувчиларини ва ота-оналарни қизиқтирган саволларига ҳам жавоб беришди. Коллеждаги ўқув жараёни, фан ва спорт тўғрараклари фаолияти, ўқувчилар ютуқлари ҳақида ҳам маълумот беришди. Битирувчи синф ўқувчилари спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришиб келаётган коллеж ўқувчилари билан ҳам ҳамсуҳбат бўлишди.

Ўлмас ХОЛМЎМИНОВ

"Ўзбектелеком" АК тасарруфидаги барча филиаллар раҳбарлари диққатига!

"ТЕЛЕКОМ ТАЪМИНОТ ХИЗМАТ" ШЎБА КОРХОНАСИ

қуйидаги асбоб-ускуналарни таклиф этади:

- ✓ Лента стекл.электроизол. ЛЭСБ 0,2x40
- ✓ Комплект инстр. Кабелщика-2
- ✓ Коробка КРТН 10x2 (1 кор. 80 шт.) – 7 корб
- ✓ Блок БР-3 (для полиспасти)
- ✓ Боксы БКТ 100x2 (в 1 кор. 80 шт.)
- ✓ Устройство кабельное УКС-10 (1 кор. 8 шт.)
- ✓ Указатель напряжения УНО (1 ящик)
- ✓ Горелка газовозд. ГТВ-2 (с баллоном 5 л.)
- ✓ Шнур капроновый блочный 8 мм.
- ✓ Стеклопругок УЗК зап. Д-11 мм Дл-150м
- ✓ Плоскогубцы ПИК-1 (1 ящик)
- ✓ Кусачки 189 СН (1 ящик – 300 шт.)
- ✓ Когти монтерские КМ-1
- ✓ Кусачки 189 СИ
- ✓ Кусачки КИР-1
- ✓ Отвертка 102И
- ✓ Нож кабельный
- ✓ Нож монтерский
- ✓ Лапка ЛП-4/5
- ✓ Зубило 16x60



Иш қуролнинг саз бўлса – машаққатнинг саз бўлар!



Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 24-уй.
"Ўзбектелеком" АК биноси, 5-қават. Телефон: 139-23-37. Тел/факс: 236-36-27.